Баҳорий дилларда баҳорий поклик 6-бет

# Ishonch

*Insonga naf keltirish — oliy baxt*

2008-yil 27-mart
№ 42 (2455)
payshanba

Ijtimoiy-iqtisodiy gazeta * * Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan




## Бугунги сонда:

Миннатдорлик
Раҳмат сизга, Шуҳратжон!
3-бет

Мулоҳаза
Ғийбат гуноҳ эмасми?
4-бет

Ракурс
Матрица излаётган руҳ
5-бет

Сарҳадлар оша...
Олмос ва олмосликлар
6-бет

Ҳаёт ва қонун
Тирикчилик илинжида
15-бет

**Афоризм**

Яхшилик улуғ бойлик, эҳсон эса энг баракали зироатдир

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
### ФАРМОНИ

## Т.И.Жўраевни Сурхондарё вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93- /15-банди/ ва 102- моддаларига мувофиқ:

Туробжон Икромович Жўраев Сурхондарё вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 25 март

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
### ФАРМОНИ

## А.Х.Эшмуротовни Сурхондарё вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93- /15-банди/ ва 102- моддаларига мувофиқ:

Абдулҳаким Хушбоқович Эшмуротов Сурхондарё вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 25 март

# Сурхондарё вилояти кенгашининг сессияси

## Шу йилнинг 25 март куни Термиз шаҳрида Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

**Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.**

Давлатимиз раҳбари аввало Сурхондарё вилояти кейинги йиллар мобайнида эришган ижтимоий-иқтисодий натижалар ҳақида тўхталиб, 2007 йил якунига кўра, бу ерда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 7 фоизга ўсгани, жумладан, саноат маҳсулотлари 10,4 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 2,3 фоиз, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 9,4 фоизга ошганини таъкидлади.

Айниқса, халқимиз бунёдкорлик қудратининг яна бир амалий намоёни бўлган йирик коммуникация иншооти – Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўлининг ишга туширилиши бу борада янги-янги имкониятлар ва уфқлар очганини ўзимизга тасаввур қилиш қийин эмас.

Бугун шуни алоҳида мамнуният билан айтиш мумкинки, Шеробод туманидаги Бешбулоқ конида аниқланган 150 миллион тонна миқдоридаги хомашё захираси асосида салкам 300 миллион долларлик тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жорий қилиш ҳисобига юқори сифатли цемент ишлаб чиқариш бўйича амалий ишлар бошлаб юборилди. Шу мақсадда Жанубий кореялик ҳамкорларимиз билан биргаликда қўшма корхона ташкил этилди.

Мухтасар қилиб айтганда, бугун Сурхондарё вилоятининг қиёфаси ўзгариб, кўплаб соҳаларда даврнинг ўзи талаб этаётган янгиланиш ва ўзгаришларни амалга ошириш йўлида сезиларли ишлар қилинаётганини кўриш-кузатиш мумкин. Лекин вилоятда вужудга келган умумий аҳволни таҳлил қилиб, холисона баҳо берадиган бўлсак, бу ердаги ислоҳотларнинг бориши, ривожланиш суръатлари барчамизни қониқтирмаслиги табиийдир, деди Юртбошимиз ва мажлис иштирокчилари эътиборини қуйидаги масалаларга қаратди.

Мисол учун, саноат соҳасидаги аҳволни оладиган бўлсак, кўпгина жиддий камчилик ва нуқсонлар борлигидан кўз юмиб бўлмайди. Бу соҳадаги ислоҳотларнинг асосий шарти ва мезони бўлган таркибий ўзгаришлар жараёни изчил амалга оширилмаётгани туфайли саноатнинг ялпи ҳудудий маҳсулот таркибидаги улуши охирги йилларда ўсмасдан, бир ҳолатда қолиб келмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, вилоят учун ўта муҳим бўлган, хомашёни қайта ишлашга қаратилган ишлаб чиқариш соҳалари, хусусан, енгил саноат корхоналарини ривожлантириш масаласида ўзгариш сезилмаётганини қайд этиш лозим.

Биргина мисол. Аксарият вилоятларда пиллани қайта ишлаш масаласи тўлиқ ҳал этилган бир пайтда Сурхон воҳасида етиштирилаётган 1200 тонна пилла хомашёси умуман қайта ишланмаётганига нима деса бўлади?

Президент яна бир муҳим масала – Сурхондарё вилоятида хусусийлаштириш жараёнлари бўйича белгиланган режа ва дастурлар тўлиқ бажарилмаётгани ҳақида ҳам тўхталиб, қуйидаги фикрларни баён қилди.

Текширишлар натижасида илгари хусусийлаштирилган 265 та корхонадан 25 таси тўла қувват билан ишламаётгани, 13 та корхона эса мутлақо фаолият юритмаётгани аниқланди.

Сурхондарёда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ҳам талаб даражасида ривожланмаяпти. Буни биргина рақам, яъни 2007 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг сони 580 тага ошгани ҳолда, уларнинг саноат маҳсулотлари ҳажмидаги улуши 20,5 фоиздан 16,7 фоизга тушиб қолгани ҳам тасдиқлаб турибди.

Вилоятда яна бир муҳим йўналиш — хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни амалга оширишда ҳам оқсоқлик кўзга ташланмоқда.

Мисол учун, 2007 йилга мўлжалланган инвестиция дастури доирасида вилоятда 2 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, улар бўйича кўзда тутилган маблағнинг атиги 7,6 фоизи ўзлаштирилгани ҳақида қандай изоҳлаш мумкин?

Табиийки, иқтисодиёт соҳасидаги бундай камчиликлар вилоятнинг молиявий аҳволига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Буни бугунги кунда 15 та туман ва шаҳардан 13 таси дотацияда қолиб келаётгани, айниқса, Бандихон ва Олтинсой, Бойсун ва Шеробод, Сариосиё ва Қизириқ туманларида дотация даражаси юқори экани ҳам тасдиқлайди.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги самарадорлигини кучайтириш ва шу асосда халқимизнинг ҳаёт фаровонлигини юксалтириш бутун юртимиз қатори Сурхондарё вилоятидаги суғориладиган экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ернинг тупроқ унумдорлигини ошириш билан бевосита боғлиқ экани ҳақида фикр юритар экан, Юртбошимиз бугунги кунда вилоят бўйича суғориладиган ерларнинг 48 фоизи турли даражада шўрлангани, жумладан, 51 минг гектар ёки деҳқончилик қилинадиган ерларнинг 16 фоизи ўртача ва кучли даражада шўрланганига эътиборни қаратди.

2008-2012 йилларга мўлжалланган давлат мелиорация дастурига кўра, вилоятда 30 миллиард сўмлик, хусусан, биргина жорий йилнинг ўзида 5 миллиард 400 миллион сўмлик мелиорация тадбирлари амалга оширилади. Шу мақсадда йил охиригача Сурхон воҳасига 24 та замонавий мелиорация техникаси олиб келиш кўзда тутилмоқда, деди Ислом Каримов ушбу муаммони ҳал этиш бўйича кўрилаётган амалий чора-тадбирлар ҳақида тўхталиб.

Албатта, қишлоқ хўжалиги тараққиёти билан боғлиқ бундай долзарб масалаларни ечишда ҳукуматимиз, марказий идоралар Сурхондарё вилоятига доимо ёрдам бериб келган ва бундан буён ҳам ҳар томонлама ёрдам беради. Лекин бу ерда раҳбар бўлиб, етакчи бўлиб ўтирган шахслар ҳам ушбу соҳани ривожлантириш, шу орқали деҳқон ва фермерларнинг даромадини ошириш учун бор имкониятларини ишга солиши керак. Таассуфки, ҳозирча бундай интилиш ва амалий ҳаракатларни кўрмаяпмиз.

Масалан, пахтачиликни олайлик. Бу соҳада ишни тўғри ташкил этолмаслик, ғўза парваришидаги асосий агротехник тадбирларнинг сифатсиз бажарилиши, замонавий технологияларга риоя қилмаслик натижасида етиштирилган пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ишлари чўзилиб, тола сифати пасайиб кетмоқда.

Ана шундай хато ва камчиликлар туфайли ўтган йили Қизириқ (83,5 фоиз), Ангор (87,1 фоиз), Термиз (92 фоиз), Жарқўрғон (92,8 фоиз) ва Бандихон (94,2 фоиз) туманларида пахта тайёрлаш бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмасдан қолиб, деҳқонларимизнинг пешона тери тўкиб қилган меҳнатига яраша даромад ололмаганини қандай баҳолаш мумкин?

Бугунги кунда шуни аниқ ва очиқ айтишимиз керак – Сурхондарё заминига мос келадиган, серҳосил ва эртапишар, сифатли тола берадиган, жаҳон бозорида талаб юқори бўлган навларни яратиш масаласи муаммо бўлиб қолмоқда.

2007 йили вилоятда 350 минг тонна сабзавот, 76 минг тонна мева, 94 минг тонна узум етиштирилгани ҳам фикримизни тасдиқлайди. Аммо бу маҳсулотларни қайта ишлаш, энг муҳими, шу орқали янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли даромадларини ошириш масаласи қандай ҳал қилиняпти, деган саволга, афсуски, ижобий жавоб бериш қийин.

Воҳанинг Ангор, Бандихон, Бойсун, Қизириқ, Музработ ва Шеробод туманларида мева ва сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича биронта корхона ташкил этилмаганини раҳбар ва мутасаддилар қандай изоҳлайди?

Сурхондарё вилоятида сердаромад тармоқ бўлган чорвачиликни ривожлантириш учун мавжуд катта имкониятлардан ҳам тўлиқ фойдаланилмаяпти.

Президентимиз ўз нутқида Сурхондарё вилоятида долзарб аҳамиятга эга бўлган ижтимоий масалаларни ечиш, одамларнинг оғирини енгил қилиш, хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб, кейинги йилларда бу борада бирмунча ишлар қилинганини эътироф этган ҳолда, ҳали ушбу соҳада кўплаб камчилик ва нуқсонлар мавжудлиги, улар аҳолининг ҳақли эътироз ва норозилигини уйғотаётганини таъкидлади.

Маълумки, ҳар қандай ташкилот, корхона ёки жамоанинг тақдири ва истиқболини юксак малакали, мустақил фикрлайдиган, билимли ва тажрибали кадрлар ҳал қилади. Афсуски, Сурхондарёда кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйишдек ўта муҳим масалада кейинги пайтда бир қатор камчиликлар кўзга ташланмоқда.

Ишда жиддий нуқсонларга йўл қўйгани учун вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Холмуродов, ҳоким ўринбосари – Хотин-қизлар қўмитасининг раиси Д.Авлиёқулованинг эгаллаб турган лавозимидан озод этилгани, ҳокимнинг қурилиш бўйича ўринбосари Х.Рамазонов эса ўз мансаб вазифасини суиистеъмол қилгани учун суд қуйи билан жиноий жавобгарликка тортилиб, озодликдан маҳрум этилгани ҳам шундан далолат беради.

Вилоят ҳокимлиги томонидан кадрларга нисбатан талабчанлик ва масъулият бўшашиб кетгани ўз навбатида туман ва шаҳар бўғинлари раҳбарларига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Буни кейинги вақтда Термиз шаҳри, Ангор, Қизириқ, Музработ ва Термиз туманлари ҳокимларининг ўз вазифасидан четлатилгани ҳам исботлайди. Ёки бўлмаса, 2004-2007 йиллар мобайнида вилоят ташкилотларининг 22 нафар раҳбари турли камчилик ва қонун бузилишларга йўл қўйгани учун ўз вазифасидан бўшатилгани ҳам бунинг тасдиғидир.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. А.Эшмуротов Сурхондарё вилояти ҳокими вазифасидан озод қилинди.

Президент Ислом Каримов тавсиясига кўра Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири вазифасида ишлаб келаётган Туробжон Жўраев Сурхондарё вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда сўзга чиққан вилоят фаоллари барча соҳа ва тармоқларда ишни Президентимиз нутқида билдирилган танқидий фикрлар, таклиф ва хулосалар асосида ташкил этган ҳолда, мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этиш, ислоҳотларнинг самарадорлигини ошириш, бор куч ва имкониятларни ана шу эзгу мақсад йўлида сафарбар этиш зарурлигини таъкидладилар.

**ЎзА материаллари асосида тайёрланди**

2008 йил – Ёшлар йили

# Талабаларга касаба уюшма стипендияси

***Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилояти вакиллиги «Ёшлар йили» дастури тадбирларидан келиб чиққан ҳолда талаба ва ўқувчиларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор бермоқда.***

Воҳа олийгоҳлари ва касб-ҳунар коллежларида таълим олаётган аълочи ва жамоатчи талабаларга энг кам иш ҳақининг икки баробари миқдорида касаба уюшма стипендиялари таъсис этилган.

Куни кеча тармоқ кенгашининг вилоятдаги вакили Жумақул Қурбонов Қарши Давлат университети физика математика факултети иссиқлик энергетикаси бўлимида ўқиётган Шахриёр Эргашев, Ғулом Рўзиқулов, Қарши муҳандислик иқтисодиёти институтининг нефт-газ иши йўналиши бўйича таълим олаётган Ҳусан Бобоқулов ва Музаффар Юсуповларга спитендияларни топширди.

— Касаба уюшмасидан миннатдормиз, — дейди стипендия соҳиби Музаффар Юсупов. — Бундай ғамхўрлик бизни аъло ўқишга, билимларни чуқур эгаллашга, мамлакатимиз халқ хўжалиги учун малакали кадрлар бўлиб етишишга даъват этади.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«shonch» мухбири**

Кўклам шукуҳи

# Кўнгиллар яйради

***Наврўзи олам элни бирлаштиради, одамларни бунёдкорликка ундайди. Бу айёмни пойтахтимизнинг Учтепа тумани «Жўржоний» маҳалласи аҳли кўтаринки руҳда кутиб олди. Жуда катта ободонлаштириш ишлари олиб борилди. 2000 та дарахт оқланиб, шакл берилди. «Ваққос ота» қабристони тозаланиб, тартибга келтирилди.***



Шунингдек, байрам муносабати билан маҳаллада қандолатчилик дўкони, сартарошхона, тикувчилик цехи, уяли алоқа хизмати кўрсатадиган нуқта ишга туширилди. Бу ишларни амалга оширишда маҳалла тадбиркорлари — хусусий нотариус М.Тошпўлатова, колбаса цехи раҳбари Д.Мирзаев ва бошқаларнинг хизмати катта бўлди. Янги қурилган бинолар учун 4 млн. сўм сарфланди.

— Мазкур юмушларда барча фаол қатнашди. Четда турган одам бўлмади. Аҳиллигимизнинг самарасини кўриб турибсиз, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бахтинур Саидов.

Маҳалла гузарида байрам дастурхонига сумалак, ҳалим, ош, кўк сомса тортилди. Шу куни 30 та кам таъминланган оила ва 35 нафар онахонга совға-салом тарқатилди. Хонанда Ҳожиакбар Раҳматов ва «Садаф» гуруҳининг ёқимли куй-қўшиқлари байрамга ўзгача файз бағишлади.

**Комила БОЙМУРОДОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

Миннатдорлик

***Ҳаёт ўз оқимида давом этар экан, одамлар айрим муаммоларга дуч келиши табиий ҳол. Фарзандсизлик оиламизни кўпдан қийнарди. Қайнсинглимнинг боласини ота-онасининг розилиги билан фарзандликка оладиган бўлдик. Буни ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштириш учун биров у деди, биров бу. Якин қариндошлардан бири буни нотариус ҳал қилади деб баҳсга якун ясади. Шундан сўнг мен Жиззах вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳуқуқшуноси Шуҳрат Тожибоев ҳузурида бўлдим.***

# Раҳмат сизга, Шуҳрат!

Фикримни обдон тинглагач, Шуҳрат бу иш шаҳар ҳокимлиги қошидаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси томонидан амалга оширилишини тушунтирди. Масала осонгина ҳал бўлди. Бундан анча вақт олдин ҳам турар-жойни расмийлаштиришда Шуҳратдан маслаҳат олиб мушкулимиз осонлашганди.

Фақат мен эмас, барча маҳалладошлар у кишини ўз касбининг билимдони, меҳнаткашларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қила оладиган, камтар инсон сифатида яхши билади.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси қошидаги ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази фаолиятидан мамнунмиз. Бу ерда нафақат меҳнатга оид масалалар, балки уй-жой, пенсия, оила ва бошқа кўплаб масалалар юзасидан малакали ҳуқуқий ёрдам кўрсатилади. Барча хизматлар бепул эканлигидан суюнамиз.

Касаба уюшма ташкилотлари нуфузи ана шундай жонкуяр ходимлар туфайли янада ортиб боришига ишонамиз.

**Тиркаш ТОЖИЕВ,**
**1-гуруҳ ногирони**

Наврўз тадбирлари

# Сумалагим қозонларда қайнайди

***Яна Наврўз келди: табиат уйғонди, мудроқ томирларда ҳислар тўлқини яна жўш ура бошлади. Табиатдаги гўзал нақшлар кўнгилларга, кўнгиллардагиси табиатга жойланди. Чор-атроф озодалик, саранжом-саришталик касб этди. Бугун диёримизни айланган киши кутлуғ айём билан боғлиқ ёқимли ташвишу шодликларга гувоҳ бўлади, элдошларимизнинг ғайрату шижоатини, ўз тақдиридан, толеидан, истиқболи, фаровон ҳаётидан мамнунлигини кўриб ҳайратланади. Тинч, осуда халққа Наврўз тантаналари ярашади. Маҳаллаларда, ташкилоту корхоналар, муассасалар бинолари олдидаги ўчоқларда мунаввар саҳарларгача оловлар ёнмоқда, дилларни сархуш айловчи ҳид таратиб сумалаклар қайнамоқда, баҳор ноз-неъматлари – кўксомса, кўкбарак, илдирмалару қандқурсларга тўкин дастурхонлар ранго-ранг товланмоқда, қалбларда яхшилик оловланмоқда.***

Гулчеҳра опанинг ҳам қалби бу улуғвор ҳисларга ҳамоҳанг. У ҳам шу баҳорий онларни қиш бўйи дуолар билан кутди.

— Айланай, қизим, Моҳинуржон, қани, йўлакларни бир супуриб чиқинг-чи, чанг-ғуборни кўриб Наврўзой бизникига кирмай кетса нима қиламиз-а?

— Нега келмаскан, ҳозир, бувижон, сиз бир пиёла чой ичиб туринг, мен ҳамма жойни чиннидай қилиб чиқаман.

Гулчеҳра опа бир пиёла чойни энди ҳўплаган эди, эшик очилиб, қўшнилари кириб келишди. Кўкгумманинг ҳиди димоққа урилди.

— Кўкка етганимиз рост бўлсин, — қарши олди онахон уларни.

— Биз маслаҳатга келдик, — дейишди қўшнилар. — Ёши улуғимиз ўзингиз. Бош бўлсангиз, бир сумалак қилсак. Йўл-йўриғини ўргатиб турсангиз бас, хизматини биз ёшлар қилаверамиз.

— Ҳали хизмат қиладиган ёшдан ўтганим йўқ, — Гулчеҳра опа қўшниларга чой узатиб, дастурхонга мулозамат қилди. — Сумалак пиширганнинг савоби катта, яхши ўйлабсизлар.

Гулчеҳра опа ўғлига омбордан бир қоп буғдой олиб чиқишни буюрди. Қўшнилар биргаликда хас-чўпларини тозалаб, ювишди.

— Гулчеҳра опа, нариги кўчадаги Сафурани эшитдингизми, — ғийбатчи қўшниси Роҳатой секин онахонни туртди.

— Қизларжон, фақат яхши гапдан гапиринглар, — опа қовоғини бир уйди-ю, яна жилмайди. — Ким ғийбатдан ўзини тутолмаса, сафимизга қўшилмасин. Ғийбатчилар бор жойда фаришталар бўлмайди. Фаришталар келмаса, сумалагимиз ўхшамайди.

— Хўп-хўп, астағфируллоҳ, тавба қилдик, — келинчаклар астойдил ишга киришдилар.

Гулчеҳра опа уларга сумалак ҳақида, авлиёлар ҳақида ривоятлар айтиб берди.

Буғдойни ёйгач, қўшнилар кетишди. Опа уч кунгача буғдойга ўзи сув сепиб турди. Ниҳоят, улар жўжа бурнидек бўлгач, қўшниларни чақирди.

— Қизлар, хўп десангиз, буни сўқида туйсак.

— Опа, тайёр гўштқиймалагичдан ўтказиб қўя қолайлик.

— Уям яхши-ю, аммо сўқида туйилганнинг мазаси бошқача-да. Яна озгина тер тўксангиз, соғлиғингизга ҳам фойда.

Аёллар буғдойни туйгунича, маҳалла оқсоқоли бошчилигида бир гуруҳ эркаклар ўчоқ ковлашга киришди. Ёш йигитлар ўтин ёришди.

Ниҳоят, эл-юртга тинчлик, дастурхонларга барака, улусга инсоф-диёнат тилаб, қозонга ёғ солишди.

— Ёғ ҳам доғланди, ана энди яхши ниятларимизни айтиб тухумни чақамиз, — тухумни Гулчеҳра опанинг ўзи пишириб олди. Шу ерда йиғилганларнинг ҳаммасига улашди.

Яна эзгу ниятлар айтилиб, тайёр буғдой ширалари қозонга солинди.

— Сизлар зерикиб қолманг деб халфаларга хабар бердим, ҳозир келиб қолишади, — оқсоқолнинг бу хабари ҳаммани хушнуд қилди.

Қозон қайнаб бошлаган ҳам эди, халфа аёллар ҳормасинлаб келиб қолишди. Гармон чалиб куй-қўшиқни бошлаб юборишди.

*«Сумалагим қозонларда*
*қайнайди-ей,*
*Ёрни кўрсам қаро кўзим*
*ўйнайди-ей»,* —

деб бошланган қўшиқнинг давомида бутун Хоразм халқ лапарлари янгради. Яйраб рақсга тушишди.

— Қорнингиз ҳам очқагандир, ўзим сизларга ажойиб таом пишириб бераман, — деди Гулчеҳра опа. — Сизлар қозонни яхшилаб ковлаб туринглар.

— Кўк пиширамизми?

— Йўқ, сизларга жўхори куртик қилиб бермоқчиман. Болалигимизда онажоним кўп тайёрлаб берарди. Ҳозирги ёшлар орасида бу овқат қанақалигини билмайдиганлари кўп.

— Яна бир савоб оладиган бўлдингиз-да, Гулчеҳра опа, бу овқатни емаганимизга ҳам кўп бўлганди. Аммо менда бир таклиф бор, — маҳалла оқсоқоли ўрнидан турди. — Бир хўрозим бор. Ҳозир шуни сўйиб олиб келаман. Садақа бўлсин.

Гулчеҳра опага келинчаклар ёрдамлашишди. Қадимий таом тез тайёр бўлди.

Овқатдан кейин яна шижоат билан қозон ковлашга киришдилар.

— Нимаики яхши ниятларингиз бўлса, айтинглар, иншооллоҳ, рўёбга чиқади. Анави Розиянинг қизи қани, қозоннинг кўпигидан олиб юзини ювсин, доғлари кетади.

Бирон соатдан кейин халфалар кетишди. Бир-икки ёш-яланглнинг ҳам уйқуси келиб, уйларига кириб кетди.

— Ҳаммамиз билган ривоятларимизни айтамиз, — деди Гулчеҳра опа. — Ҳам уйқуни ҳайдаймиз, ҳам кўнгилни поклаймиз.

Гулчеҳра опа тўрт-беш ривоят айтгунча ҳеч кимдан садо чиқмади. Аммо секин-аста ҳамма боболаридан, момоларидан эшитганларини эсга ола бошлади.

Суҳбат қизигандан қизиди. Ниҳоят, хўроз қичқириб, тонг ёришаётганини билдирди.

— Ана энди юз-қўлларингизни ювиб келинглар, сумалакни ёпамиз, — деди Гулчеҳра опа.

Яна бир карра дуо ўқиб, яхши ниятларни айтиб, сумалакни ёпишди.

— Энди бир замон уйингизга бориб, мизғиб келинглар, бир соатлардан кейин сумалакни очамиз.

— Гулчеҳра опа, фаришталар келишармикин?

— Улар ёнимизда-ку, ҳозир ҳам шу ерда.

— Панжасини босишармикин демоқчийдим-да.

— Еттида қозонни очамиз. Ўшанда кўрасан.

Гулчеҳра опа уйига кириб, бомдод намозини ўқиди. Нонушта қилди.

Ташқарига чиқса, қўшнилари қозон ёнида йиғилиб, уни кутиб туришган экан.

— Оқсоқол қани, у кишини чақиринг, қозонимизни очиб берсин.

Ниҳоят, қозон очилди. Фаришталар панжасини кўриб, ҳамманинг кўнглини ҳайрат қоплади. Йиғилганлар пичир-пичир қилиб, яна бир карра тилакларини тилга кўчирдилар.

Ёшу қари сумалак тотди.

— Бунақа мазали сумалакни биринчи тотишимиз, — дейишди ҳаммаси.

— Илоҳо, оғизбирлигимизга кўз тегмасин, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин, яна узоқ йиллар биргаликда сумалак пишириш насиб этсин, — дуо қилди Гулчеҳра опа. — Биринчи косани Салима момога олиб боринглар, анчадан буён касал ётибди. Тоҳир бобо ёддан чиқмасин.

— Хўп, хўп.

Ҳамманинг кўнглидаги ёруғ ҳислар юзларидаги табассумда намоён эди.

Шу зайл ҳаёт зарварағининг ибтидоси — Наврўзи олам далаю қирга зумрад сеп бўлиб, табассумга чоғланган митти куртакларда ёқут бўлиб, юртимизга, кўнглимизга кириб келди. Истиқлол нуридан мунаввар элга файз инди, таровват инди. Наврўз муборак бўлсин!

**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,**
**«Ishonch» мухбири**

# Мулоҳаза, **мушоҳада,** муҳокама



## Аёл ва нафосат

*Аёл гўзаллик, нафосат ва меҳр-муҳаббат тимсоли. Унда нафосатни тушуниш муҳит таъсирида шаклланади. Нафосат ҳиссиёт воситаси билан шаклланадиган ақлий тарбиядир. Ҳар бир аёл гўзалликни хунукликдан, эзгуликни жаҳолатдан, одобни одобсизликдан фарқласагина ҳаётда ўз бахтини топа олади. Нафосатни фаҳмлай олмаслик эса хунук ва жирканч нарсалардан лаззат олишга ундайди.*

*Ҳаётда шундай диди паст аёллар ҳам учрайдики, улар заифликларини яшириш учун сохта хатти-ҳаракатлар қилишади, ўзларига ярашмайдиган кийим кийишади.*

*Ораста кийиниб юрадиган аёллар жуда кўп, аммо ҳақиқий фазилатга эга бўлганлар кам. Аёллар орасида тили заҳар, доимо бировларнинг гўрига ғишт қалаб юрадиган такасалтанглар ҳам бор. Ёш қизлар баданига татуировка қилдиради («тез ёрдам»да чақирувчиларга борганимда кўрганман). Ёшлик гўзаллиги акс этиб турган танасига ҳар хил ёмон сўзларни ёзиб ташлашган. Бу қандай одат?! Ўзбек қизлари-я! Бу саломатликка зарар етказиши билан бирга аёлдаги уйғунликни бузади, уни хунук қилиб қўяди. Татуировкани кейинчалик кетказиш қийин, кетганда ҳам баданда бир умр изи қолади. Татуировкали ёшлар бунинг қаердан келиб чиққанини билишмагани ачинарлидир. Эски замонларда қулларнинг баданига тамға босганлар, қочоқ қулларни шу тамға орқали топишган.*

*Табиий қиёфасини бу каби номаъқулчиликлардан асраш ҳар бир аёлнинг бурчидир. Самимий, оққўнгил, умуман, тарбияли аёл ташқи кўринишида сунъийликка йўл қўймайди, ҳамиша ўз қиёфасини сақлаб қолади. Бу эса қалб гўзаллигининг аломатидир.*

**Неъматулла ҚАРШИЕВ,**
**шифокор**

Агар халқ сенинг ҳақингда яхши сўз айтарин хоҳласанг, халқ ҳақида яхши сўз айтгил.

**«Қобуснома»дан**

# Ҳасад балоси

***Савдогар банкротга учраса, машинасини сотиб қутулолмай, ҳашаматли уйигаям харидор излаб қолса... Буям камлик қилгандек, кечаси безорилар ўласи қилиб дўппослаб кетса... Маҳалладошларининг қанчаси куюниб, қанчаси суюнарди? Бир кашфиёт устида ўн йилча изланиб, фан доктори бўлай деб турган олимнинг иши қандайдир чиппакка чиқиб қолса... Илгари олган унвонлари ҳам бекор қилиниб, ўзи ўқув муассасасидан қувғин қилинса... Аҳли илмнинг қанчаси куюниб, қанчаси суюнарди? Тўрт-бешта китоби чиқиб, довруғ тарата бошлаган ёш шоирни катта йўлда машина уриб кетса... Ижодкор дўстларининг қанчаси енгил тортиб, қанчаси ғамга ботарди?***

Одамларни бу тариқа куюнтирадиган ё суюнтирадиган воқеалар ҳаётда кўп учрайди. Отнинг ўлими — итнинг байрами деганларидек, ҳар қандай фожиадан ҳам озми-кўпми ичида хурсанд бўладиганлар, афсуски, топилади. Қувончини ҳар қанча пинҳон тутмасин, кўзларида ажиб ҳаяжон сезилиб туради унақаларнинг.

Ҳасадгўйлар қайдан пайдо бўлар экан? Адолат тарозисига қўйиб кўрсак, ҳавас билан яшайдиганлар кўпми, ё ҳасадчилар?

Ўзини инсофли, адолатпеша қилиб кўрсатадиган кимсалар ҳам тил учида жавобни қойил қиладилар: «Йўғ-е, наҳотки... Шахсан мен бировга ҳасад қилмайман...». Уларга «Хўш, сизга ҳасад қиладиганлар йўқми?» деб савол бериб кўринг. Фиғонидан тутун чиқиб кетади: «Э, сўраманг, мени кўролмайдиганлар дастидан дод дегим келади...».

Ана сизга мантиқ!

Ким кимга ҳасад қилади? Ҳасад балосининг илдизи қаерда ўзи?

Одамзотнинг энг қабиҳ кушандаси ҳасаддир. Ҳасаднинг ўткир тирноқлари — ғийбат, заҳарли тили — туҳмат, мақсади — кулфат... Дунё бўйича урчиб кетган иллат у.

Ҳасадчи кўзингга бақрайиб туҳмат қилишдан тап тортмайди. Тили ғийбатдан бошқа гапга айланмайди. Бўлмағур миш-мишлар тарқатаверади. Севимли шоиримиз Абдулла Орипов улар ҳақида жуда топиб ёзган:

***Унинг миш-мишидан***
***ранжиманг асло,***
***Нима бўлса, асли***
***наслида бўлган.***
***Она қорниданоқ***
***ўзи ҳам ҳатто,***
***Асли миш-миш билан***
***дунёга келган.***

Ҳасадгўй, ғийбатчилардан хафа бўлишга ҳожат йўқ. Асли бўлари шу-да. Бироқ туппа-тузук зиёли, масъул ходим ё бирор ташкилот раҳбари бўлатуриб ғийбатчиларнинг ноғорасига ўйнаганлардан ранжисангиз арзийди. Чунки ўша лаҳзада ҳасадгўй асил ниятига эришаётган бўлади-да...

Ҳасад қилмайдиганлар ҳам борми деган ҳақли саволга бaралла айтадиган жавобимиз шу: ҳаётда эзгу мақсадли, маънавий етук, турфа иллатлардан йироқ кишилар кўп. Шундайлар қўша-қўша бахтга мушаррафдирлар. Улар ҳашаматли уйлар қурмоқда, машиналар олмоқда, дўконлар барпо этмоқда, эл-юртига бош-қош бўлмоқда, жўшиб ижод қилмоқда...

Фарангларда ажойиб мақол бор экан: қўшним икки қаватли уй қурса, мен уч қаватли қилиб қураман. Ана сизга тараққиёт. Маънавият ва маърифат равнақ топган элда шунақа эзгу ниятлар рўёбга чиқаверади. Демак, давлатимиз сиёсатида муҳим ўрин тутаётган маънавият ва маърифатни равнақ топтириш қуёш нуридек зарур.

Кўп китоб ўқийдиган, ўқиб мағзини чақадиган, санъатга ошно кишилар ҳасад деган иллатдан жуда йироқ. Улар ҳавас ила яшайдилар. Гўзал турмуш ҳаётларининг мазмунидир.

Ўзбекистон ўз автомобилларини чиқармоқда. Ҳаётга қора кўзойнак ортидан қарайдиган айрим кимсалар бунга ҳавас қилдиларми ё ҳасад? Ўша чиройли машинадан қўшнингиз ҳам сотиб олибди. Унга нисбатан кўнглингизда қандай ҳислар жўш урди: ҳавасми ё ҳасад?

Қолгани виждонингизга ҳавола.

**Тўлқин ЭШБЕК**

# Ғийбат гуноҳ эмасми?

Одамлар руҳиятига назар ташламоқчи бўлсангиз, тўйхонадан қулай жой тополмайсиз: ҳамма қатори таомлардан тановул қилгач, ён-атрофдагилар суҳбатига қулоқ тутасиз. Икки ёнидаги шериги билан «бошини бирлаштириб» роса гап сотаётган хотиннинг сўзлари беихтиёр диққатингизни жалб қилади: девор-дармиён қўшниси устидан роса мағзава ағдараётган экан, ишдан кеч келиши борми, барвақт кетишими, бирортасини қолдирмайди. «Қўшниси ростдан ҳам бемаъни аёл экан-да» деб тан бера бошлаганингизда нариги маҳалладаги эр-хотинни ёмонлашга тушади: ишлари кунда уруш-жанжал, болалар икки ўртада сарсон эмиш... Энсангиз қотиб, бериги ёнингиздаги шеригингизнинг гапларига қулоқ тутасиз: қимматчиликдан, ночорлигидан нолияпти. Беихтиёр эгнига разм соласиз — ял-ял ёниб турган, замонавий русумда тикилган қимматбаҳо кўйлак, бармоғу қулоқ, ҳатто бўйнида қўша-қўша тилла тақинчоқлар...

Давра тўрига назар ташлайсиз: оппоқ либосга бурканган келинчак таъзим ила бош эгиб турибди, ёнида бўлажак жуфти кўзлари бахтдан порлаб, одамларга масрур боқади. Поклик, эзгулик тимсоли бўлиб турган бу жуфтлик олдида миш-мишчи-ю ғийбатчилар кўзингизга балодек кўринади. Уларнинг шарафига ёзилган дастурхон атрофида ўтириб, «хуш келибсиз» дея ҳар замонда атрофингизда гиргиттон бўлаётган тўй эгаларининг нон-тузини еб туриб ғийбат қилишга қандай тили бораркан? Уларнинг уволи тутмайдими? Шу ҳақда бир ўйлаб кўришимиз керакка ўхшайди.

Узоқ қариндошингизникидан кутилмаган хабар келди: хонадон соҳиби дунёдан кўз юмибди. Ҳамма ишингизни йиғиштириб қўйиб, тонг саҳарда таъзияхонага кириб борасиз. Марҳумнинг айрилиққа чидолмай уввос тортиб йиғлаётган яқинларига таъзия билдириб, ўзингизни четга оласиз. Хотинлар шивир-шивири қулоққа чалинади: «Мартабали бўлгани билан жуда хасис эди, ҳовли-жойига қаранг, бозордаги тижоратчининг уйи буникидан ўн чандон ортиқ. Шунча тўплагани барибир қолиб кетадиган бўлди». Улар сафига яна иккитаси қўшилиб, роса эзмаланишади. «Ҳой, яхшилар, марҳумнинг яхшиликларидан, савоб ишларидан гапириб, руҳини шод этайлик» дейдиган киши топилмайди. Бўлганда ҳам савоб-гуноҳнинг фарқига бормайдиган гумроҳларга гап уқтириб бўлармиди? Бир пайт қарасангиз, таъзиядорларни ёмонлашга тушишади. Хуллас, миш-мишчига мавзу кўп. Униси тугатса, буниси мудом тайёр. Қолаверса, миш-миш жой танламайди. Азами, тўйми — барибир янграйверади. Ғашингиз келса ҳам улар бепарво.

Миш-миш, ғийбат, ҳасад ўзи қачон пайдо бўлган, унинг ватани қаер? Менимча, унинг ватани битта: нияти бузуқ икки кишининг қалби. Ана шу зулмат қалбда туғилиб, кир йўргакка ўралгач, у ўзини кўз-кўз қилгани чиқади, жой, вақт танламайди.

— Ишхонамизда учта ғийбатчи хотин бор, — дейди узоқ йиллар тиббиёт соҳасида ишлаган Н.Мустафоева. — Қайта-қайта танбеҳ беришимиз уларга заррача таъсир қилмайди, аксинча, ҳасад тиғини сизга қаратиб, йўқ ердаги гапларни тўқиб чиқаришади.



Шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирламайди дегувчилар ҳам бор. Тўғри, лекин шуни пана-пастқамда шивир-шивир қилмай, бетингизга рўй-рост айтсалар бунчалик хафа бўлмайсизда. Тўғри ўйланг, тўғри сўзланг, ҳеч кимнинг гуноҳи бўйнингизга илинмасин. Кексаларимиз «Бировнинг гуноҳини олиб, орқасидан гапирманг, ёмон бўлса ўзига» деб бекорга танбеҳ беришмайди. Демак, ғийбат қилиш гуноҳ экан, ўзимизни гуноҳ ботқоғига ботиришдан не фойда? Шу ҳақда бир ўйлаб кўрсак зиён қилмайди.

**Зуҳра ҚУРБОНОВА,**
**Ромитан тумани**

Ракурс

# Матрица излаётган руҳ

## (Жеймс Жойснинг «Навқирон санъаткор сийрати» асарини ўқиб)

*Чиқиб келар эди саҳна ортидан*
*на Худо, на Иблис бўлолган авлод:*
*алданган, таланган, адашган, бешон...*
**Азиз Саид**



Яна ўша чайналаверганидан сийқаси чиқиб кетган ва тағин чайналишга маҳкум бўлган ибора: одам яра(ти)лганидан бери ҳар бир хатти-ҳаракати билан «нима учун яшаяпман?» деган жўн ва ўта мураккаб саволга жавоб излайди. Кимлардир жавобсизликни жавоб ўрнида қабул қилган, айримлар эса Кўҳна Тенгламани ҳамон ўнгдан чапга, чапдан ўнгга томон сон-саноқсиз усуллар билан қайта-қайта ишлаб кўрмоқда, бироқ барчаси: минус чексизликдан плюс чексизликкача...

...Бу ҳам етмагандай одамзот — ўта зерикувчан мавжудот. У яратган ва вайрон қилган жамики тушунчаларнинг ижод ва таназзул лаҳзалари айнан зерикишга бориб тақалади. Яъни, Зерикишбий тўридан қочган одам алал-оқибат Зерикишарслон чангалига бориб тушади: ўз оғирлиги таъсирида қуйига думалаб тушган харсангтошни яна юқорига ғилдиратиб чиқиш учун энаётган Сизиф ҳар биримизга тегишли. Фақат Камю тушунчасини занжир билан бойитамиз: ЎЗ Сизифимизнинг оёқларига тушов урилган: Манфаат. Айнан ўша занжир йўналиши бўйлаб юришга маҳкум этилганмиз.

«От сийдиги билан чириган пичандан нафас олса, хотиржам тортади»-ган Стивен ҳам ўша занжирлардан азият чекаётган ва қачонлардир Афинадан ҳукмдор Минос буйруғига биноан Критга олиб келтирилган буюк уста Дедал сингари у-да ўз-ЎЗига қанот ясаётган, бир сўз билан айтганда, бу тарзда яшаш мумкин эмаслигини англаб етган ҳамда қаёққа бўлса-да қайтиш учун кетиш фурсати келганини тушунган Матрицасиз Руҳ тимсоли. Ўз шаклини излаётган Руҳнинг жамики қутбини ҳирс қўшини қамал қилган: ташқи томондан — яшил рангга ўралгандай туюлса-да, ҳар бири сафдаги кимнидир ҳожатхона тешигига итариб юборишга тайёр бир тўда оломон, рангсиз ва ҳидсиз гуллар жанжали, «худонинг кераги йўқ юрт», «ҳожатхонада ёпишишаётган» чаламуллалар, зоҳиран динга ундаётгандек кўринса ҳам, аслида диндан ҳафсалани пир қиладиган ва A.M.D.G. тамғаси остида сиёсий кураш олиб бораётган «ру-у-у-ҳ-о-о-о-о-нийча»лар, бемаъниликнинг жазавали дангир-дунгурига асабий тушилаётган қўлбола рақс; ички томонда эса — шубҳа қўшилган шаҳват аравасига довдир-совдир осилган қуйи жаҳаннам оловида жамики гумроҳликлари учун қовурилишини била туриб Гуноҳият қасрининг ишвагар туйнуги томон ҳансираб-ютоқиб талпиниш...

...сўнг эса совуқ ва сергак бефарқлик...

Буларнинг барча-барчаси Беқолип Руҳни гангитиб қўяди ва унинг ўзида алданишга бўлган тийиқсиз иштиёқ юзага келади. «Илоҳий сиймонинг юз ўгиришига сабабчи гуноҳ боис ўзини жами гуноҳкорлар ғамхўрига яқинлашган»дай туйган Стивен гарчи «табаррук қилинганидан кейин вино айниб сиркага айланса, нон моғор босиб уваланиб қолса, шунда ҳам Исо илоҳ ва инсон сифатида уларда мавжуд бўладими?» тарзида ўз-ўзига истеҳзо билан савол беришдан тийилмаса-да, барча гуноҳларига истиғфор айтароқ «ёғга бўкиб қалқиб-қалқиб сузиб юрган, бўғилган, маънисиз хавотирнинг машъум гирдобига тушиб қолган» ва умид астарлари йиртилган Руҳи тағин мудроқликдан уйғонаётганини илғаркан, ажал талвасаси рўпарасида ёлғиз қолади. Мана, ҳозир Қазо Элчиси чўбин арава эшигини очади. Стивен ўлимга тайёрми? Айнан шу ўринда у чўка-чўка зўр бериб дин ҳасига тирмашади: Тазарру...

Стивен «бой берилган бокиралиги»га аза тута-тута уят, қўрқув, шубҳа ва умид исканжасидан кечароқ тазарру томон асабий интилар экан, «қушқўнмаснинг қотган томирлари, қичитқининг буталари сочилган хароба чангалзорда қотган тезакдан уфураётган кучсиз ва қўланса уфунот либосига ўралган шохли, сийраксоқол эчкинусха махлуқ қиёфасида»-ги ЎЗ Бўлаклари чор томонга айюҳаннос солиб югураётганини рўй-рост англайди: Қутқаринг!.. Қутқаринг!!. Қутқаринг!!!

Черч-Стритдаги ибодатхонада руҳоний қошида жамики гуноҳларига иқрор бўлгач, муқаддас неъматлар солинган идиш унга (эҳтимол, у идишга) яқинлашаётгандек сезилса-да, барибир, ЎЗ Қиёфасини излаётган Руҳ инкор отига қамчи босади: «...гўё энг сирли маросимлар ҳам қуриб бораётган булоқлар каби уни нажотбахш сувдан энди баҳраманд этолмаётгандек туюларкан, тавба-тазарру ҳам фақат виждонини азоблаётган гуноҳлардан қутулишнинг бир воситасига айланганини ва бир марта ножўя хаёлга берилиши шунча машаққат билан эришганларидан мосуво қилишини англаб етар»оқ «Тангридан сўраган руҳий фароғат, албатта, У томонидан инъом этилишига ишонишга ўзини мажбурлар эди». Айни шу лаҳзаларда исён қиличи ЎЗидаги қурт босган таслимликнинг барча пўпанаклаган томирларини чопиб ташлайди ва шу боис ректор Тангри Хизматчиси бўлишни таклиф этаркан, Стивен руҳонийнинг юзида «ботаётган куннинг шавқсиз аксини кўради» — тийиқсиз ҳис-ҳаяжон (Темпл) ва уни жиловлашга уринадиган жўн ақл (Крэнли) даврасига чорлар экан, димоғидан ертўла захи ва чиринди ҳиди аримаётганини туяди — «ўз болаларини ейдиган қари чўчқа» атрофида ўз даҳоларини ўз вақтида танимай қарол бўлишга маҳкум этилган миллийчилар уюридан айрилади ва англаб етадики, «яшаш керак — адашиб, тушкунликка тушиб, зафар қозониб, ҳаётдан янги ҳаёт яратиб яшаш керак». Энди уни ҳеч бир куч тўхтатиб қололмаганидек, ҳеч бир кучсизлик ҳам йўлдан қайтаролмайди.

Ниҳояси йўқ саволлар теграмда инидан адашган қушдай чарх уради: Одам Ато пайдо бўлганида қайси динга сиғинган эди? Қайси урф-одатга муккасидан кетган эди? Қайси тилда гапирган эди?.. Миллийлик, дин, тил тушунчалари — ЎЗликнинг зинапоялари, либослари, борингки, турфа рангда товланувчи шаклларидир. Атрофга назар ташлайман: Кўпкари... Барча улоққа даъвогар... Ҳамма кўрпани ўзига тортади... Турли фронтларга бўлинган одамлар барчаси оға-ини, алҳол Бир Бутун Инсон эканини англаб етмай жўн, худбин ва айни пайтда енгиш ўта мушкул «мен» ортидан қузғун сингари ўлакса талашмоқда. Манфаат занжирлари барча қутбни чирмаган, Қуёш эса тобора сўниб бораётир. Бир қисм одамлар ҳали-ҳамон Ягона Ижодкорнинг мана шу бемаъни ўйинни жорий қилиб, кейин ҳаммасини эсдан чиқариб қўйганидан ғингшиса, яна бир уюмият ЎЗи ўз-Ўзи учун Маҳдий (эҳтимол, Дажжол) эканини англамай ҳали ҳамон Ғор оғзига Оқ Бедов бойлашдан ва пойлашдан эринмаётир, Аксарият эса жиш жўжачаларига ахлат титишни, семиришни, урчишнигина мерос қилиб қолдирмоқда, холос...

Стивен ҳам сирка босиб кетган тасаввурини тозартириш, ЎЗ Сувига мос идиш топиш ва Улуғ Асос Водийсига етиш учун сафарга ҳозирлик кўраркан, сокин ҳайқиради: «Энди ўзим ишонмайдиган нарсага сиғинмайман, ҳатто агар бу менинг оилам, ватаним ёки черков бўлса ҳам... Ёлғиз қолишдан ёки тақдиримга боғланган нарсаларни тарк этишдан, яна хато қилишдан, катта гуноҳга, бир умрга етгулик гуноҳи азимга йўл қўйишдан қўрқмайман...».

Матрица излаётган Руҳ туман қатламини ёриб ўтиб Ҳечкимлик Манзили сари парвоз қиларкан, чор гирдини гулчамбар (Стефанос)лар иҳоталаб боради. Эҳтимол, Буюк Уста сингари Қуёш қанотларини куйдириб юборгач, унинг энг азиз бўлаклари тубсиз уммонга ғарқ бўлар, хоҳлаганлари сароб бўлиб чиқар, Заминдан узилиб Самога етолмай қолар, нафас ростлаш учун қўнган илк оролдаёқ алам билан ўз қанотларини синдириб ташлар, нима бўлган тақдирда ҳам, Стивен Дедалус парвоз қилиш учун ЎЗида куч топа олади. Бинобарин, Манзил — ягона, йўллар ўз-ўзига ҳам хилоф эса-да Мутлоқ Уфққа нисбатан (!) узоқ ва яқин, йўловчилар эса ҳамиша ўз йўллари орқали сафар қилишади. Инсон — ЎЗ Идишини топган руҳ ҳаловати. Қолип бўлса, ҳар доим ўзгар(тир)ишни истайди.

**Умид ЯЪҚУБОВ**

---

Умидли ёшлар — «Ёшлар йили»да



**Юртимизда истеъдодли ёшлар кўп. Уларнинг ҳар бири ўз соҳасида илм олиб, бугун салоҳиятини мамлакат тараққиётига сафарбар этиб келаётир. Рустам Жабборов шундай изланувчан ёшлар сирасига киради. У 1979 йили Самарқанд вилояти Ургут шаҳрида туғилган. 1997 — 2003 йилларда ЎзМУ журналистика факультетида таълим олган. Таҳсил давомида Ўзбекистон Президенти стипендияси ҳамда Япониянинг «Сумитомо корпорейшн» фонди стипендиясига сазовор бўлган.**

Рустам Жабборов:

# «Хоҳиш бўлса, вақт топилади»

**2003 йилдан бери Ўзбекистон миллий ахборот агентлигида хизмат қилади. Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг «Заковат» интеллектуал клуби аъзоси. Кўплаб шеър, ҳикоя ва қиссалари матбуотда чоп этилган. Бир қатор бадиий ва ҳужжатли филмлар сценарийсини ёзган. Ги де Мопассан, Габриэл Гарсиа Маркес, Эдгар По, Карел Чапек сингари дунё адабиётининг етук намояндалари асарларини берилиб мутолаа қилади. Айниқса, озарбойжон адабиётига ихлоси баланд. Юқорида номи зикр этилган чет эл адибларининг, кўпгина озар ёзувчиларининг асарларини ўзбек тилига таржима қилган.**

**У 2006 йили Мисрнинг Қоҳира шаҳрида замонавий журналистиканинг ўзига хос жиҳатларига бағишлаб ўтказилган ўқув машғулотлари, шунингдек, туркий халқлар оғзаки ижоди бўйича Боку шаҳрида бўлиб ўтган илмий-амалий симпозиумда иштирок этган.**

**Рустам Жабборов шарқ халқлари тарихи, маданияти, урф-одатларига қизиқади, араб, форс, турк тилларида бемалол сўзлаша олади. Шу тиллардаги асарларни аслиятда мутолаа қилади.**

***— Иш, ижод, мутолаа, «Заковат» машғулотлари... Буларнинг ҳаммасига қандай улгурасиз?***

**— Бу саволни кўп беришади. Лекин бунда ажабланарли ҳеч нарса йўқ. Вақтимни ҳаммасига тўғри тақсимлашга ҳаракат қиламан. Албатта, биринчи навбатда масъулиятни унутмаслик керак. Инсон ўзи севган иш, машғулот учун ҳар қандай вазиятда куч ҳам, вақт ҳам топа олади.**

***— Барибир бир соҳанинг этагидан маҳкам тутиб, шу ишнинг устаси бўлган афзал эмасми?***

**— Мен бир-биридан мутлақо узоқ бўлган ишлар билан шуғулланаётганим йўқ. Журналистика билан адабиёт ўртасида жиддий тўсиқ мавжуд эмас. Телеклубдаги машғулотлар ҳам билим ва кўникмаларни оширишимга ёрдам беради. Ижод масаласида... Албатта, ёзганларимдан кўнглим тўлмайди. Ҳали кўп ўқиб ўрганишим керакка ўхшайди. Лекин барибир келгусида яхши насрий асарлар битиш ниятим бор.**

***— Бир ҳикоянгиз асосида бадиий филм яратилган экан...***

**— Ҳа, икки йилча олдин «Мусибат занжири» деб номланган бир ҳикоям газетада босилиб чиққанди. Киноусталаримизга маъқул тушган экан. Режиссёр Соҳиб Аббосхон билан мазкур ҳикоя сюжети асосида сценарий ёздик. Тез орасида «Виждон» филми экранларга чиқди. Кўрганлар яхши дейишаяпти-ю, ким билсин?**

***— Бундан кейин ҳам кинодраматургия соҳасидаги ишларни давом эттирасизми?***

**— Буни вақт кўрсатади. Ҳар қалай киноижодкорлардан таклиф тушиб турибди. Айтганча, ҳозир долзарб мавзуда, ёшларимизни турли зарарли ғоялар таъсиридан ҳимоялашга бағишланган бир ҳужжатли филм устида ишлаяпмиз. У ҳам тез орада томошабинлар ҳукмига ҳавола этилса керак.**

*Ростдир боболарнинг қадим ҳикмати —*
*Ватандан ташқари ватан топилмас.*
*Дунёнинг анвойи нозу неъмати*
*Бир бурда Самарқанд нонича бўлмас.*

*Ғофилсан, ғурбатдан паноҳ ахтарсанг,*
*Қонмассан иззату икромларидан.*
*Она юртингдаги ҳар битта харсанг*
*Азиздир Мисрнинг эҳромларидан.*

**Шерзод АБДУСАМАДОВ суҳбатлашди**

Сарҳадлар оша...

# Олмос ва олмосликлар

***Олой бозорига кириб айланганимизда шу ерда яшовчи шеригим:***

***— Айтгандай, тўхтанг, пича харажатим бор, уйдагилар картошка олиб келинг, тугаб қопти дея «топширик» беришганди, — деб қолди.***

***— Ола қолинг, — дедим пештахталар устидаги териб қўйилган маҳсулотларга имо қилиб.***

***Шеригим бошқа томонга бошлади.***

***— Ўзингизнинг Олмосингиздан келтирилганлардан оламиз, — деди кўлтиғимдан тортиб. — Олмоснинг картошкаси мутлако ўзгача бўлади-да, пишганида оғзингизга солсангиз сарёғдай эриб кетади.***

Ҳа, Олмос ана шундай жой. Салкам ҳандалак катталигича келадиган пиёзлари, паловга ҳам таъм, ҳам ранг берадиган сабзилари, томирингиздаги қонни кўпиртирадиган хусайни узумлари, яна ўнлаб нознеъматлари билан тилга тушган.

— Оворагарчиликдан эринмасдан ўша ёқлардан келтирдингизми? — дея кулиб туриб сўрадим шеригим картошка харид қилган олмослик деҳқон Баҳодиржондан.

— Акажон, нимаям дейсиз. Бир томондан тирикчилик, қолаверса, бизнинг заминимизда бунёд бўлган ноз-неъматдан пойтахтлик биродарларимиз ҳам баҳраманд бўлишсин деймиз-да. Ўзингиз ҳамюрт экансиз, заминимиз қанақа эканлигини яхши биласиз.

Дарҳақиқат, Олмос ҳақида қизиқ гаплар, афсоналар кўп. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Раҳмат Файзий «Аллоҳ Олмосни гўё ёмон кўзлардан асраш учун атрофини тоғлар билан ўраб қўйибди» деб ёзганди. Зеро, бир-бирига елка тутган боғроғлар, зилол сувли чашмалар, чиллада ҳам қирғоқларини барра майсалар қоплаган жўшқин сой, тоза ҳаво, ниҳоят, тош устида гул ундиришга қодир қўли қадоқ олмосликларни ким билмайди-ю, улар ҳақида қандай таъриф-у тавсифлар тўқилмаган!

— Қишлоқ номи қаердан келиб чиққан экан? — сўрадим бир гал олмослик шоир Эрмамат Нурматовдан.

— Қишлоғимиз хусусида ҳар хил афсоналар кўп, — дея жавоб қайтарди шоир. — Битгасида айтилишича, қишлоғимиз тарихи бир неча минг йилга бориб тақалади.

Қадимдан у кўпларнинг эътиборини ўзига тортиб келган. Унга кўз тикканлар кўп бўлган. Аммо қишлоқ йигитлари жасур ва мард бўлиб, душманни киритмаган. Босқинчилар ҳар қанча уринишмасин, мақсадларига ета олишмаган. Шунинг учун унинг номини «ололмас», яъни, ҳеч қандай душман босиб ололмас деб айтишган. Бора-бора бу сўз қисқариб «олмос»га айланиб кетган дейишади. Бошқа бир афсонада қишлоқ табиатининг гўзаллиги, атрофидаги тоғлари, шарқироқ сойларини назарда тутиб, у олмосдек тоза, олмосдек бетакрор деган ниятда Олмос дея аташган дейилади.

Шоир бир шеърида қишлоғини шундай таърифлайди:

*Турнакўз булоқларинг,*
*хузурбахш қишлоқларинг,*
*Қор аримас тоғларинг*
*мафтуниман, Олмосим!*
*Меваларим бол десанг,*
*мендан илҳом ол десанг,*
*Оғушимда қол десанг,*
*мумкинмикан қолмасим.*

*Сойларинг қишин-ёзин*
*ташламасдан шўх созин,*
*Чорлабон ишқибозин,*
*куйлаганда бахшидир.*
*Не-не дардлар давоси,*
*юраклар муддаоси*
*Тоза адир навоси мунча*
*ширин, яхшидир!*

Бугунги кунда 30 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган қишлоқ кичикроқ шаҳарни эслатади. Бу ўринда шуни айтиш кифояки, қишлоқдаги 6 та мактабда 7 мингдан зиёд ўқувчи таълим-тарбия олмоқда. Мамлакатимиз истиқлолидан сўнг бу ерда лицей ва коллежлар очилди, қишлоқ ёшлари 12 чақирим йўл босиб, туман марказига қатнаш машаққатидан қутулдилар. Аҳолига савдо, маиший хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам катта ишлар қилинмоқда. Қишлоқда ўнлаб сартарошхона, қассобхона, чойхона, ошхона, тикувчилик, пойабзал тузатиш шохобчалар фаолият кўрсатаяпти. Кишилар саломатлигини сақлашга ҳам катта эътибор берилмоқда. 50 ўринли шифохона, қатор ҚВПлар, болалар боғчалари ишлаб турибди.



Қишлоқдагилар узоқ йиллар хўжаликни бошқарган Мирзаанвар Мўйдинов номини ҳозиргача миннатдорчилик билан тилга олади. Айтишларича, гоҳ отда, гоҳ пиёда далама-дала кезишдан чарчамайдиган раисни белида доимо иккита нон бўларкан. Қаерда, қайси бригада шийпонида ёки қир бошида тушлик вақтига тўғри келса, белига боғланган нонни олиб, ишлаётганлар билан овқатланиб кетавераркан. Вилоят ёки тумандан ташриф буюрадиган вакиллар билан муомала ҳам шу тахлит бўларкан, белидаги нонни олиб шийпондаги бакда қайнаган чой билан меҳмон қилиб қўя қоларкан. Қишлоқ четидаги яралганидан буён гиёҳ битмаган Равот адирлигини ўзлаштириш ташаббускори ва асосчиси ҳам ана шу қадоқ қўлли, «нон емас» деҳқон бўлган.

Раисликдан кетгач, мана шу адирликка «кўз тикиб» қолган. Умр бўйи йиққан маблағини сарфлаб адирликни ўзлаштирган. Кўчатдан эмас, қаерлардандир топиб келган ўрик данагини экиб кўкартирган. Бугунга келиб Чустга йўлингиз тушиб қолса, «Равот боғи» деган гапни эшитсангиз, билингки, ўша мева «Олмос» жамоа хўжалигининг собиқ раиси Мирзаанвар ота бунёд этган боғ мевасидир. 80 ёшида ҳам бригадирлик қилган Бадалбой ота Ҳожиматов, 50 йил бригадирликдан кетмаган Рафиқ Каримовлар Олмос деҳқонларининг тошлоқ ерларда ва сув кам шароитда деҳқончилик қилиш бўйича чинакам пирларига айланган эди. Бугунги кунда уларнинг ишини фарзандлари, набира ва шогирдлари давом эттирмоқда.

Олмосликлар фикри теран, фидойи деҳқонлари билангина эмас, закий ҳамқишлоқлари билан ҳам ҳар қанча фахрланса арзийди. Ўзининг қатор қисса, очерк ва ҳикоялари билан танилган Йўлдош Шамшаров шу заминда дунёга келган. Наманган давлат университети профессори, тарих фанлари доктори Султонмурод Солиев, шу университет хорижий тиллар кафедраси мудири, доцент Ўктамжон Нурматов, Наманган муҳандислик педагогика институти доценти Комилжон Дадажоновлар ҳам шу ерда вояга етишган.

Қишлоқдан қайтарканман, шоирнинг қуйидаги шеъри қулоқларим остида жаранглагандек бўлди:

*Тоғлар этагида*
*ям-яшил қишлоқ,*
*Боғлари боғларга*
*кетган уланиб.*
*Унинг кучоғида*
*куйлайман, ўртоқ,*
*Қўшиққа жўровоз*
*булбулдек ёниб.*

*Кишилар яшайди*
*оддий ва камтар,*
*Баҳорий дилларда*
*баҳорий поклик.*
*Қизлари пардозга*
*ўчмас у қадар,*
*Ўзлари табиат*
*сингари кўҳлик.*

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**
«Ishonch» мухбири

## Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилоят кенгаши

*Кўнгилларга ажиб таровat ва гўзал туйғулар бахш этиб келган Наврўзи олам билан жаннатмакон юртимизнинг меҳнатсевар ва фидойи халқини ҳамда тармоқ ходимларини муборакбод этади.*

*Фасллар келинчаги Наврўз эзгу ниятларингизга қанот, ватан равнақи, эл-юрт осойишталиги, миллат саодати йўлидаги саъй-ҳаракатларингизга омад бахш этсин!*

*«Ёшлар йили» баҳори ҳам юртимизга улкан зафарларни бошлаб келсин!*

*Ушбу баҳорий онларда барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, меҳр-оқибат ва хуш кайфият тилаймиз. Яшариш фасли шукуҳи қалбингизни тарк этмасин, баҳорий кайфият ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин!*

Қишдан омон чиққан кўнгиллар ҳаққи,
Наврўз, кучоғингга ол бу дунёни.
Бошидан нур тўккин шу буюк халқни,
Гул бўлсин ҳаётнинг ўтган ҳар они!




«Шўртаннефтгаз» унитар шўъба корхонаси
дирекцияси ва касаба уюшма қўмитаси
Мамлакатимиз аҳолисини қадимий қадриятларимиз, миллий ўзлигимизни англаш тимсоли бўлган Наврўз байрами билан самимий табриклайди.
Истиқлол шарофати билан ўзгача мазмун-моҳият касб этган Наврўз тинчлик, эзгулик, сахийлик ва бунёдкорлик байрамига айланиб бормоқда.
Ёруғ келажак сари интилаётган халқимизнинг фидойилиги билан юртимиз гуллаб яшнайверсин, ободлик ва фаровонлик, дўстлик ва бирордарлик шаҳри — қишлоқларимизни, маҳалла ва хонадонларимизни тарк этмасин.



# Сурхондарё вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси кенгаши

*Мамлакатимиз аҳолиси ҳамда таълим тизими ходимларини Наврўз байрами билан самимий қутлайди. Ватанимиз Мустақиллигини мустаҳкамлаш, диёримизни бундан-да гуллатиб-яшнатиш йўлидаги улуғвор ишларингизда омад тилайди!*

# Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилоят кенгаши

Азиз устоз-мураббийларни, таълим тизимининг фидойилари ва талаба-ёшларни янгиланиш, яшариш, гўзаллик айёми — Наврўз байрами билан самимий муборакбод этади.

Шу кутлуғ кунларда қалбларимиздаги эзгу тилакларимиз ушалсин.

Наврўз ҳаммага омонлик, тинчлик, бахт-иқбол келтирсин.

Хонадонларимиздан қувончли кунлар, файзу барака, дилларимиздан меҳру муҳаббат аримасин.

Серқуёш юртимиз тинч, халқимиз турмуши янада фаровон бўлсин!



# Андижон Вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши

*Ўзбекистон халқини*
*қадимий ва улуғ байрам —*
*Наврўзи олам билан муборакбод этади!*
*Она табиат гуллаб-яшнаб,*
*қалбларга олам-олам*
*шодлик бахш этаётган фарахбахш кунларда*
*Сизларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат,*
*хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик*
*тилаймиз!*






# Ҳаёт ва қонун

## Тирикчилик илинжида

***Бугун тирикчилик илинжида шаҳарларга бориб ишлаётганлар тобора кўпаймоқда. Ҳеч бўлмаса бозорда арава судрасам ҳам тўрт-беш сўм орттириб, рўзғор кемтигини бутлайман деган ниятда улар.***

Олтинсойлик Илёсга танишлари Тошкентга юр, қишлоқда нима қиласан, уйдагиларга пул жўнатиб турсанг, улар ҳам хурсанд бўлади дейишганда унинг кўз ўнгида башанг кийиниб, қишлоққа онда-сонда бир келиб кетадиган жўралари гавдаланди ва рози бўлди.

Илёснинг шаҳарга кўникиши унча қийин кечмади.

«Э-ҳе, ҳамма шу ерда экан-ку», — ўйлади у атрофидаги танишларига назар ташларкан. Ўз ишига пишиқлигини илғаган «акалари» уни ҳар хил филм ва клиплар ёзилган дискларни сотишга масъул қилиб қўйишди.

— Келганимга энди бир ойдан ошган бўлса-да, ўзимга яраша обрўм бор, харажатлар эса борган сари кўпайиб бораяпти, — кўнглини ёрди бир куни Илёс шеригига.

Орадан бироз вақт ўтиб, у ўзини Шокир деб таништирган йигитдан йигирмата дискни минг сўмдан сотиб олди. Шу тариқа улар олди-берди ишларининг кейинги босқичлари ҳақида узоқ суҳбатлашишди.

— Яқинда келганга ўхшайсан, — деди гап орасида Шокир. — Бу ерда «шустрий» бўлмасанг биринг икки бўлмайди. Ишингни кенгайтиришинг керак.

Савдо авжида. Харидорларнинг кўпи ёшлар.

— Энди таваккал қилиб кўриш фурсати етди, — хаёлига эрк берди Илёс. — Уйдагиларга қарашиш, уйланиш... Муаммолар қачон тугаркан-а. Пулсиз ҳеч нарса қилиб бўлмаса, бирон жойда ўқиганимда бошқа гап эди...

Кунларнинг бирида унинг олдига ўзини Элёр деб таништирган киши келиб, зўр дисклардан кераклигини, агар топиб берса, пулга ботиб қолишини айтди. «Ё остидан, ё устидан», — деб ўйлади Илёс мижоз билан Тошкент тиббиёт академияси олдида учрашишга келишаркан. Кейин Шокирга телефон қилиб, тезлик билан 500 та диск кераклигини, ҳар бирига яхши пул тўлашини айтиб, учрашув жойига биргаликда борди. Элёр ҳар бир дискка 1300 сўмдан, жами 715 минг сўм берди. Улар давлат назоратидан ўтмаган, республикамизда намойиш этиш, тарқатиш ва сотиш таъқиқланган қўлбола дисклар бўлиб, буни ҳамтовоқлар СВОЖЖДЛҚК департаментининг Собир Раҳимов туман бўлими ходимлари айтгандан сўнггина «англади».

Бир ярим ой «Чилонзор буюм бозори»да фаолият юритган айбдорлар жиноятига яраша жазосини олди.

**Б.АБДУКАРИМОВ,**
**СВОЖЖДЛҚК департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси катта криминалисти,**
**М.ҒУЛОМОВ,**
**криминалист**

## Унутилган талаб

Билмайин босдим тиканни, тортадурман жабрини, деган нақл бежиз айтилмаган. Ғафлатда қолиб ёки бехосдан босилган нотўғри қадам туфайли жабр чекаётган кишининг ҳолини тушунса бўлади. Бироқ оқибатини била туриб ножўя қадам ташлаган кишининг аҳволига қандай баҳо бериш мумкин?

Нодир Холматов кўп йиллардан буён савдода ишлаб, соҳанинг ҳадисини олган. Содда қилиб айтганда, кўзи пишиб кетган. Савдо қонун-қоидаларини яхши билади. Бепарволикми ёки атайлабми йўл қўйган хатоси унга қимматга тушди. Ўша куни у савдо қилаётган қурилиш моллари дўконига кириб келган аёл уйини таъмирлаш учун кафел, линолеум ва елим олмоқчилигини айтди. Ўзига керакли 3 млн. 748 минг сўмлик ашёни танлаб, уни уйга етказиб беришларини илтимос қилди. Товар учун пулни уйдан олиб беришини билдирди. Харидор талабини қондириш савдонинг қоидаси ҳисобланади. Буни яхши тушунган Н.Холматов таниши Равшанга қўнғироқ қилиб, мижознинг юкини айтилган манзилга етказиб беришни илтимос қилди. Кўрсатилган манзилга юкни топшириб, тўлов сифатида 3 млн. сўм ва 600 АҚШ долларини санаб олди. Шу ўринда Нодир савдонинг муҳим талабларидан бири, яъни тўланган пуллар учун НКМ чекини беришни «унутди». Бироқ бу талаб Бош прокуратура ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туман бўлими ходимлари томонидан эслатиб қўйилди. Текширишда Н.Холматовнинг товарлар савдоси ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузганлиги аниқланди. Унга нисбатан тегишли жазо белгиланди.

**О. МИРАСИЛОВ,**
**СВОЖЖДЛҚК департаментининг Собир Раҳимов туман бўлими катта суриштирувчиси**

## Зиддият келиб чиқса...

***Қандай ҳолларда юзлаштириш ўтказилади?***

**Ғ.ЖАБИЕВ,**
**Самарқанд вилояти**

Юзлаштириш илгари сўроқ қилинган икки шахснинг кўрсатувлари ўртасида жиддий қарама-қаршилик бўлганда унинг сабабини аниқлаш учун ўтказилади. Юзлаштиришда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳ сўроқ қилиниши мумкин.

ЖПКнинг 123-моддасига кўра бунда суриштирувчи (терговчи ёки суд мажлисида раислик қилувчи) ҳар бир сўроқ қилинувчидан навбат билан уларнинг таниш ёки таниш эмаслигини, ўзаро муносабатлари қандайлигини сўрайди ва жавобларини тинглайди. Шундан кейин уларнинг ҳар бирига навбат билан қарама-қаршилик келиб чиққан ҳолат тўғрисидаги саволларга жавоб бериш таклиф қилинади. Башарти, қарама-қаршилик бир нечта масалага ёки бир нечта ҳолатга тааллуқли бўлса, юзлаштиришда ҳар икки сўроқ қилинувчи бир масала ёки бир ҳолат бўйича кўрсатув бергач, уларга кейинги масала ёки ҳолат тўғрисидаги саволлар берилиши мумкин.

Юзлаштириш чоғида сўроқ қилинаётган шахс суриштирувчи (терговчи ёки суд мажлисида раислик қилувчи)нинг рухсати билан бошқа сўроқ қилинувчига савол бериши мумкин. Суд мажлисида сўроқ қилинувчиларнинг иккаласига ҳам халқ маслаҳатчилари, шунингдек, тарафлар савол бериш ҳуқуқига эга. Суриштирувчи (терговчи ва суд мажлисида раислик қилувчи) иш учун жиддий аҳамиятга эга бўлмаган ёки аниқлаштирилаётган қарама-қаршиликка тааллуқли бўлмаган саволларни бекор қилишга ҳақлидир.

**М.ЖУМАМУРОТОВ,**
**Республика Бош прокуратураси бошқарма прокурори**

